

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.06

2018 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил “25” 08

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШДА МАДАНИЯТЛАРАРО  
МУЛОҚОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар
Таълим соҳаси:	110000	–	Педагогика
	120000	–	Гуманитар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- Я.Абдураимова – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили интеграллашган курси” кафедраси мудири.  
Г.Носирова – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили интеграллашган курси” кафедраси катта ўқитувчиси.  
Н.Эшонкулова – ЎзДЖТУ, “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

#### **Такризчилар:**

- И.Сиддикова – ЎзМУ, “Қиёсий тилшунослик” кафедраси мудири, ф.ф.д., профессор (*турдош ОТМ*).  
У.Азизов – ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ директори

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6”-сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий**

### **таълимдаги ўрни**

Маданият кенг қамровли тушунча бўлиб, у маълум бир ҳудудга хос бўлган ғоялар, урф-одатлар йиғиндиси, шунингдек, маълум бир гуруҳ кишиларининг эътиқоди, анъаналари ва ҳаёт тарзидир. Киши бирон-бир тилни ўрганар экан, албатта шу тилда сўзлашувчи миллат ва элатлар маданиятининг ўз маданиятига ўхшаш ҳамда фарқли томонларига ҳам эътибор қаратади ва таҳлил қилади. “Хорижий тилни ўқитишда маданиятларо мулоқотни шакллантириш” фани амалий курс бўлиб, айнан юқоридаги вазифаларни талабаларга ўргатиш, шунингдек, уларни касбий йўналиш доирасида тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари билан батафсил таништириш, ижтимоий-маданий мулоқот малакаларини ривожлантириш, ўрганилаётган чет тилининг функционал шакллари ва услубларини, тил тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу фан 5- 6 семестрларда ўқитилади ҳамда иккита – “Хорижий тилни ўқитишда маданиятларо мулоқотни шакллантириш” ва “Ўрганилаётган чет тили халқаро мулоқот тили сифатида” модулларини ўз ичига олади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга маданиятларо мулоқот, халқаро маданий компетентлик, маданиятлар ўртасидаги тафовутнинг аҳамияти, ўрганилаётган чет тилининг халқаро тил сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган лингвистик, тарихий, ижтимоий ва маданий омиллар ҳамда ўзга тил маданиятига хос жиҳатларни ўқитиш учун ўқув материаллари яратиш, мавжудларини таҳлил қилиш, мослаштириш каби масалаларни ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

“Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” модули бўйича талабанинг малакасига қўйиладиган талаблар:

маданиятлараро мулоқот, халқаро маданий компетентлик, маданиятлар ўртасидаги тафовутнинг тил ўрганиш ва ўқитишдаги аҳамияти;

- маданиятлараро мулоқотнинг экстралингвистик жиҳатлари (дунёқараш, маросимлар, урф-одатлар, инсон аъзолари тили, табулар, стереотиплар, кўпмиллатли маданиятларда жамиятнинг ўрни, имиж, рамзлар);
- маданиятлараро мулоқотда маданиятга хос хусусиятларни (саломлашув, мулозаматни акс эттириш йўллари, мурожаат қилиш йўллари, идиомалар ва ҳоказо) ўринли ишлатиш; ўзга тил маданиятига хос жиҳатларни ўқитиш учун ўқув материаллари яратиш, мавжудларини таҳлил қилиш, мослаштириш малакаларини эгаллайди.

“Ўрганилаётган чет тили халқаро мулоқот тили сифатида” модули бўйича талабанинг малакасига қўйиладиган талаблар:

- ўрганилаётган чет тилининг халқаро тил сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган лингвистик, тарихий, ижтимоий ва маданий омиллар ҳақида билимларга эга бўлиши;
- ўрганилаётган чет тилидан давлат тили (она тили) сифатида, иккинчи расмий тил (вариантлар) ёки ундан хорижий тил сифатида ўрганиб, фойдаланиш ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни ажрата олиши лозим.

### **III. Асосий қисм (амалий машғулотлар)**

#### **1-Модуль. Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш**

- Маданият тушунчаси ҳақида умумий маълумот. Маданиятлараро мулоқот
- Маданиятлараро мулоқот, халқаро маданий компетентлик атамалари

- Маданиятлараро мулоқотда экстралингвистик масалалар - дунёқараш, маросимлар, урф-одатлар
- Маданиятлараро мулоқотда экстралингвистик масалалар - инсон аъзолари тили, табулар, стереотиплар
- Маданиятлараро мулоқотда экстралингвистик масалалар - турли маданиятларда жамиятнинг ўрни
- Чет тили дарсларида тил ва маданият (саломлашувлар, мулозаматни ақс эттириш, мурожаат қилиш йуллари)
- Чет тили дарсларида тил ва маданият (идиомалар)
- Маданиятлараро зиддият, тўқнашувларга сабаб бўлувчи омиллар
- Маданий шок
- Халқаро маданиятда ўзликни асраш.
- Маданиятлараро мулоқотга ўқитиш учун ўқув материаллари (адабиёт, газеталар) дан фойдаланиш;
- Маданиятлараро мулоқотга ўқитиш учун ўқув материаллари (ТВ, интернет, расмлар, реалиялар,) дан фойдаланиш;
- Маданиятлараро мулоқотга ўқитиш учун ўқув материаллари (фильмлар, рамзлар ва ҳ.к.) дан фойдаланиш
- Ўзга маданиятга оид мавзуларни ўқитиш ва материалларни яратишда хушёрлик, материалларни таҳлил қилиш (дарсликлар, дарс ишланмалари/конспект, топшириқлар/вазифалар)
- Ўзга маданиятга оид мавзуларни ўқитиш учун ўқув материалларини яратиш (3 та мақсад: тил, педагогика, маданият)
- Ўзга маданиятга оид мавзулар учун яратилган ўқув материалларининг тақдими

## **2- Модуль. Ўрганилаётган чет тили халқаро мулоқот тили сифатида**

- Глобаллашув ва ҳозирги кунда ўрганилаётган чет тилининг мулоқотда халқаро тил сифатида ишлатилиши
- Ўрганилаётган чет тилининг ривожланиш босқичлари

- Ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатларда тил вариантларининг ўзига хос қўлланилиш усуллари
- Ўрганилаётган чет тилининг халқаро жамиятда эътироф этилган тил сифатида қўлланилиш даражаси (ижтимоий ва сиёсий омиллар - бунда ўрганилаётган чет тилининг узок тарихига эмас, балки ҳозирги мақомига кўпроқ эътибор қаратилади)
- Тилдаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар (масалан, интернет, бизнес, дипломатия ва ҳ.к.);
- Ўрганилаётган чет тилининг келажаги;
- Тил вариациялари
- Тил вариантлари (диалект) борасида талаба олиб борган тадқиқот тўғрисида ҳисобот
- Ўрганилаётган чет тили она тили сифатида, расмий иккинчи тил сифатида ва хорижий тил сифатида;
- Тил вариантларини тенг қабул қилиш (масалан, фикрни стандарт (адабий) тилда ёки ўз варианты (диалекти) да баён қилишга мажбурламаслик);
- Ўрганилаётган чет тилини ўргатишда муқаррар вариантни танлаш.
- Ўрганилаётган чет тилининг халқаро мулоқотдаги ўрни юзасидан таҳлил

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усуллардан кенг фойдаланилади. Жумладан, амалий вазифалар, муҳокама, кейс стади, ролли ўйинлар, кузатувлар/ маълумотлар йиғиш бўйича топшириқлар, талабаларни мустақил ўрганишга даъват этувчи вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

#### **IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил иш мавзулари фан ўқитувчиси ва талабалар томонидан

ишлаб чиқилади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим. Кафедра мутахассислари томонидан ҳар бир мавзу бўйича талабанинг мустақил ўқиб ўрганишига доир вазифа ва топшириқлар ишлаб чиқилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўзидан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намоёниш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

- Маданият тушунчаси. Маданиятлараро мулоқот
- Маданиятлараро мулоқотда дунёқараш, маросимлар, урф-одатлар
- Табулар, стереотиплар
- Турли маданиятларда жамиятнинг ўрни
- Саломлашувлар, мулозаматни акс эттириш, мурожаат қилиш йуллари
- Маданият идиомалари
- Маданиятлараро зиддият, тўқнашувларга сабаб бўлувчи омиллар
- Маданий шок
- Маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришда адабиёт, газета ва журналлар, фильмларнинг ўрни.
- Маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришда ТВ, интернет, расмлар, реалияларнинг аҳамияти;
- Тил, педагогика ва маданият
- Чет тилининг мулоқотда халқаро тил сифатида ишлатилиши
- Интернет, бизнес, дипломатиянинг тилдаги ўзгаришларга таъсири.

## **V. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари<sup>1</sup>**

### **Асосий адабиётлар**

#### **Инглиз тили**

1. Byram, M., Nichols, A. and Stevens, D. (2001) Developing Intercultural Competence in Practice.
2. Adrian, H., Martin, H., John, K. (2010) Intercultural Communication. Routledge, London and New York.
3. Crystal, D (2003) English as a Global Language. Cambridge University Press, New York.
4. Utley, D. (2004) Intercultural Resource Pack: Intercultural communication resources for language teachers. Cambridge: CUP
5. Alimova, K., Brewerton, B., Mukhammedova, N. (2016) Becoming a Teacher. UWL. Fan va texnologiya.

#### **Немис тили**

1. Hamed Reza Yuosefi. “Grundbegriffe der Interkulturellen Kommunikation” 2014. Munchen.
2. H.H.Heringer. Interkulturelle Kommunikation. 2010. Basel.

#### **Француз тили**

1. Arne Gillert, Silvio Martinelli “Apprentissage interculturel” Conseil de l’Europe et Commission européenne, 2001.
2. Dollez C., Pons S. AlterEgo 3. Hachette FLE, 2013

#### **Испан тили**

1. Amalia Balea, Pilar Ramos “Cultura en España” Nueva edición. España 2015
2. M.Toshxonov, I.Turamuratova, A.Khallilayev “Método de español”. Nivel

---

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатида ҳар бир тил хусусияти ва ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда ўз аксини топади.

Ш. Т. 2014 й.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 46 б.

### **Инглиз тили**

1. Corbett, J.,(2010) Intercultural Language Activities Cambridge: CUP
2. Austin, J. (1995) Pride and Prejudice Dover: Dover publications
3. Syal M.(2004) Anita and Me London: Harper Perennial
- Barry, T., Susan, S. (2009) Cultural Awareness. Oxford.

### **Немис тили**

1. C. Achori. Kultur und Autonomi. 2013. Wiesbaden

### **Француз тили**

1. Windmuller F., L'approche culturelle et interculturelle. Paris, 2011.
2. Abdushukurova, L. A. Karimova I.A., Francais 3<sup>e</sup>, Fransuz tili darsligi III bosqich talabalari uchun. Toshkent, 2009.

### **Испан тили**

1. Aranzazu Cabrerizo Ruiz. Sueña B 1. Anaya ELE. España-2006.
2. Angeles Alvarez Martinez. Sueña B 2. Anaya Ñ. España -2007.

### **Интернет сайтлари**

#### **Инглиз тили**

1. [www.teachingenglish.org.uk](http://www.teachingenglish.org.uk)
2. [www.onestopenglish.com](http://www.onestopenglish.com)
3. [www.businessenglishonline.net](http://www.businessenglishonline.net)
4. [www.elgazette.com](http://www.elgazette.com)
5. [www.tesol.org](http://www.tesol.org)

#### **Француз тили**

1. Conseil de l'Europe – <http://www.coe.int>
2. Union européenne – <http://www.europa.eu.int>
3. OSCE – <http://www.osce.org>
4. [www.tv5monde.fr](http://www.tv5monde.fr)
5. [www.comprehension. orale](http://www.comprehension. orale)
6. [www.comprehension. ecrite](http://www.comprehension. ecrite)

## **Немис тили**

1. [www.paperball.de](http://www.paperball.de)
2. [www.teachsam.de](http://www.teachsam.de)
3. [www.daf-netzwerk.org](http://www.daf-netzwerk.org)

## **Испан тили**

1. [www.google.es](http://www.google.es)
2. [www.marco.ele](http://www.marco.ele).
3. <http://www.rae.es>.

*Изоҳ: Фанни ўқитиш жараёнида ўқитувчи ягона дарсликка таяниб қолмасдан интернет ва электрон таълим ресурслари базасидан фойдаланиб модуллар бўйича ўқув материалларини янгилаб бориши кўзда тутилади.*

